


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент молия институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил « 6 » апрел _____ даги 137 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.2. 5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
2. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	5
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	6
3. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.2. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ...	10

1. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўллаиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорида белгиланган талаблар асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши – фан ва иқтисод соҳасидаги йўналиш бўлиб, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар фаолиятининг барча йўналишлари, иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари, фаолият принциплари, ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини таъминлаш усуллари қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг **касбий фаолияти объектлари** – Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ҳисоб юритиши жараёнлар мажмуаси.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар бухгалтерия ҳисоби фаолиятини ташкил этиш;

– юридик шахслар бухгалтерия ҳисоби фаолиятини ривожлантиришда мавжуд тамойилларни татбиқ этиш;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда юридик шахслар бухгалтерия ҳисоби соҳасида жараёнларни таҳлил этиш;

– бухгалтерия ҳисоби фаолиятини самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

– бухгалтерия ҳисоби фаолиятини ривожлантириш бўйича йўналишларни ишлаб чиқиш;

– бухгалтерия ҳисоби фаолиятини режалаштириш, унинг назорати ва аудитини ташкил этиш ;

– бухгалтерия ҳисоби фаолияти самарадорлигини аниқлаш;

– бухгалтерия ҳисоби фаолиятининг самарадорлиги юзасидан хулосалар чиқариш ва унга баҳо бериш.

1.2.3. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

• *молиявий-иқтисодий;*

• *ҳисоб, таҳлил ва назорат;*

• *ташкилий-бошқарув;*

• *илмий-тадқиқот*

• *педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A230901 – *Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*;

- 5A230902 – *Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*;

- 5A230903 – *Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи магистратура мутахассисликларида бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши.*

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош касбий тайёргарликка эга бўлиш;

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиш;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллариини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

– бизнес-режаларни кўриб чиқиш ва лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;
– молия-банк бозорида юридик шахслар номидан воситачилик қилиш;
– юридик шахслар мижозларининг тўловга қобиллигини баҳолаш усулларини қўллаш;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда юридик шахслар соҳасини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

– иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
– бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизими фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимидаги кўрсаткичлар динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятига доир молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит хизматларининг кўрсатишда ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари воситаларидан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимида корпоратив бошқарув тартиб ва тамойилларини билиш;

– молия-банк тизимида доир қонунчиликка мувофиқ бошқарув мезонларини англаган бўлиш;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудитни тўғри ташкил қилиш ва самарали бошқаришни амалга ошириш;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимида молиявий бошқарув ва ходимларни бошқариш стратегияларини билиши ва амалиётда қўллаш олиш;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятидаги муаммоларни ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишнинг натижаларини баҳолаш;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасининг халқаро ҳамда миллий мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимининг ривожланиш тенденциялари ва кўрсаткичларига баҳо бериш, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислохотлар

моҳиятини тушуниш ҳамда тадқиқот ишларини улардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

– илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда иқтисодий соҳасидаги замонавий услубларни қўллаш олиш;

– мавзу (топширик) бўйича илмий-амалий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштириш;

– илмий-тадқиқот натижалари ва янгиликларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан асосланган таклифларни лойиҳа чифатида ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий-амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш;

– фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган модулли тизимга асосланган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий ёндашув орқали педагогик фаолият соҳасида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

3. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

математик ва табиий-илмий;

умумқасбий;

иқтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти қўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллари ҳақида олий даражадаги билим ва малакаларни шакллантириши;

– табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

– олий математика бўйича чуқур назарий билимларни эгаллаши;

– таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

– мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий, маънавий тарихи ва унинг бугунги кунга қадар бўлган эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим.

Умумкасбий фаилар блоки:

– математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

– таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

– таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

– иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

– классик иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашлари ва хулосаларидан хабардор бўлиши;

– макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт бўйича асосий тушунча ва тамойилларини билиши;

– режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

– бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

– статистика ва эконометриканинг назарий асосларини чуқур ўзлаштириши ва амалиётда қўллаш усулларини ўрганиши;

– математик программлаштириш, эҳтимоллар назарияси ҳамда миллий ҳисоблар тизими бўйича чуқур билимга эга бўлиши;

– халқаро молия институтлари фаолияти ва улар билан ҳамкорликни ташкиллаштириши;

– банк тизими фаолияти ва молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши лозим.

Ихтисослик фаилар блоки:

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва малакаларини шакллантириши;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар фаолиятини амал қилиш механизмини билиши;

– капитал оқими шакллари ва йўналишларидан хабардор бўлиши;
– бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг назарий асослари ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганиши;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахсларда бухгалтерия ҳисоби, дастурий таъминотлар билан ишлаш, ҳисоботларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш малакаларига эга бўлиши;

– таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабагда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Қўшимча фанлар блоки

– таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар фаолиятида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича махсус йўналишларда фаолият олиб бориш малакасини шакллантириш;

– таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва молия хўжалик фаолият бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Таълим фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	63 - 70%;
аттестация -	8 - 10 %;
таътил -	12 - 16 %;
малака амалиёти -	6 - 12 %;
битирув малакавий иши -	2 - 3%.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	15 - 20 %;
математик ва табиий-илмий фанлар	10 - 15 %;
умумқасбий фанлар	50 - 55 %;
ихтисослик фанлар	10 - 15 %;
қўшимча фанлар	5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, бухгалтерия ҳисоби предмети, бухгалтерия ҳисобининг объектлари, хўжалик жараёнлари, таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнлари, ҳужжатлаштириш, инвентаризация, бухгалтерия ҳисобида баҳолаш, бухгалтерия ҳисобини счётлари, икки ёқлама ёзув, баланс, ҳисобот, актив, пассив, дебет, кредит, сальдо, сторно, асосий восита, номоддий актив, амортизация, иқтисодий таҳлил, иқтисодий таҳлилнинг объекти ва субъектлари, иқтисодий таҳлил предмети, иқтисодий таҳлил усуллари, иқтисодий таҳлил принциплари, иқтисодий таҳлил турлари, самарадорлик, молиявий ҳолат ва молиявий натижа, баланс ликвидлиги, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, рентабеллик, пул оқимлари, хусусий капитал, ҳисобот, аудит, аудиторлик фаолияти, аудитнинг профессионал хизматлари, ташқи аудит, ички аудит, аудиторлик хулосаси, аудиторлик ҳисоботи, аудиторлик далиллар, аудиторлик танлаш, аудитор малака сертификати, аудитнинг ахлоқий талаблари, ички назорат тизими, муҳимлик даражаси, аудиторлик таваккалчилиги, стандарт.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг

кадрлар таъминоти маркази



проф. Б.Х.Рахимов

2016 йил « 11 » феврал

М.Ў.

Тошкент молия институти

Ректор Б.А.Бегалов



2016 йил « 10 » феврал

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Тошкент давлат иқтисодиёт
Университети



М.Р.Болтабоев

2016 йил « 17 » феврал

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар
ва аудиторлар Миллий ассоциацияси



Кенгаш
раиси

М.М.Тулаходжаева

2016 йил « 26 » феврал

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар
Палатаси

Кенгаш
Раиси

Н.Ф.Каримов

2016 йил « 26 » феврал

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлигининг Кадрлар ва
ўқув юрталар бошқармаси

Бошлик

Х.Х.Хамидов

2016 йил « 26 » феврал

М.Ў.

Тошкент молия институтида тайёрланаётган

5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ва 5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги учун янгидаи яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг 5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ва 5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган 5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ва 5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги*		Вазирлик (идора)нинг 5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ва 5A230901 - Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
I.	шифри 5230900	номи Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> • хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режаларни, молиявий балансларни, асосий иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш; • хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уни юритиш бўйича чора - тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; • хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия аппарати ва молиявий фаолиятини ташкил этиш; • хўжалик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш; • хўжалик субъектларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; • хўжалик юритувчи субъектларда кредит операциялари ҳисоби, пул маблағлари ва лизинг операциялари ҳисобини юритиш; • хўжалик юритувчи субъектларда стратегик режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш; • хўжалик юритувчи субъектларда пул-кредит ва бюджет-солик сиёсати

билан боғлиқ равишда ўрта ва узок муддатли молиявий (бюджетларни) прогнозлаш;

- хўжалик юритувчи субъектлар барқарорлигини ошириш ва уни модернизациялаш орқали ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш, инвестиция портфелини самарали бошқаришни ташкил қилиш.
- статистик ва ҳисоб-таҳлилий маълумотларнинг манбаларини ҳамда истеъмолчиларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- банкларга тақдим этиладиган кредит лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширишдан олинган молиявий-иктисодий натижаларни таҳлил қилиш;
- тадқиқотлар учун кўрсаткичлар тизимини танлаш ва уларнинг ўзаро алоқасини моделлаштириш;
- бошқарув қарорларни қабул қилиш учун ахборотларни йиғишни ташкил этишнинг ички ахборот тизимини яратиш;
- бошқарув ва молиявий ҳисобни юритиш, жорий молия йили учун тузилган молиявий режалар ижроси натижаларини таҳлил қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектларда рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаш, олиб борилган тадқиқот натижаларини изоҳлаш ва шарҳлаш;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун янги технологиялар ва ёндашувларни қўллаши, уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ишида иштирок этиш;
- тадқиқот мавзусига мос илмий журналларга мақолалар тайёрлаш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқариш, хизмат кўрсатиш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;

			<ul style="list-style-type: none"> • хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; • ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш; • электрон ўқитиш усулларини эгаллаш; • ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш; • замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ўтказиш; • ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш; • ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш; • мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.
2.	5A230901	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> * хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш; * хўжалик юритувчи субъектларнинг ўрта ва узоқ муддатли молиявий бюджетларни тузиш; * хўжалик юритувчи субъектлар молиявий кўрсаткичларини баҳолаш; * хўжалик юритувчи субъектларининг барқарорлигини ошириш ва уни модернизациялаш орқали ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиши * бухгалтерлик фаолиятини амалга оширишда дастур ва режа лойиҳасини ишлаб чиқиши; * бажарилаётган бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги амалий ишлар мавзуси бўйича иктисодий моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиши; * намунавий бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаши; * илмий ва амалий фаолиятда бухгалтерлик фаолиятини амалга ошириш воситаларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиши; * бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш ва уни тақдим этиши;

- * хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантириш;
- * хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун молиявий ва иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш;
- * таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаш, олиб борилган тадқиқот натижаларини изоҳлаш ва шарҳлаш;
- * бухгалтерия ҳисоби соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;
- * бухгалтерия ҳисоби ишларини йўлга қўйиш, тиклаш ва қайта тиклаш, бухгалтерия ҳисоби, молия ва солиқ масалалари бўйича маслаҳат хизматини кўрсатиш;
- * ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- * бухгалтерлик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларини режалаштириш, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, бухгалтерлар гуруҳи жамоасини бошқариш;
- * бухгалтерия бўлимлари иши сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- * хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда иштирок этиш;
- * замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бухгалтерия фаолияти мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- * ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- * электрон ўқитиш усуллари эгаллаш;
- * ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича бўйича моделлар, алгоритмлар, методларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;
- * намунавий методикалар бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;
- * олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- * замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ўтказиш;
- * ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

		<ul style="list-style-type: none"> * мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш; * ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш; * мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш; * узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш; * илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш; * ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш; * илмий мақола ва тезислар тайёрлаш.
--	--	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)ларнинг хўжалик юритувчи субъектлари учун кадр тайёрланаётган ҳар бир бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.

2. Жадвални қоғоз ва электрон вариантда (bubb@tffi.uz электрон манзилига) тақдим этишлариингиз сўралади.

3. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори билан тасдиқланган.

Тошкент молия институтининг ўқув ишлари бўйича проректори

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси Кенгаш раиси

Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси Кенгаш Раиси


Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлигининг Кадрлар ва ўқув юртлар бошқармаси бошлиғи

О.А.Ортиқов

М.М.Тулаходжаева

Н.Ф.Каримов

Х.Х.Хамидов



Тошкент молия институти томонида ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ 17 ” феврал 2016 йил

Қатнашдилар:

проф.Б.А.Бегалов, проф.М.Р.Болтабаев, проф.Н.Хайдаров, доц.Б.Усманов, проф.А.Каримов, проф. Р.Дўстмуратов, проф.Б.Хасанов, проф.Р.Холбеков, проф.К.Ўразов, проф.Ш.Эргашхўжаева, проф.Н.Йўлдошев, проф.А.Кучаров, проф.А.Жўраев, ифд.У.Шарифходжаев, доц.Д.Саидов, доц.Э.Авазов, доц.А.Бердиев, и.ф.н.доц.З.Ниёзов, и.ф.н.доц.Р.Тожиев, и.ф.н.доц.С.Султанова, и.ф.н.М.Маматқулов, доц.А.Махмудов, доц.М.Асқарова, доц.Н.Мажидов, доц.Ш.Файзиев, доц.Л.Зойиров, доц.О.Останакулов, доц.А.Аюбжонов, доц. Ф.Мухаммедов, доц.М.Шоюсупова, доц.Ф.Бабашев, доц.Ғ.Захидов, доц.Қ.Хақбердиев, доц.Х.Шеннаев, доц.К.Шарифходжаева, доц.Б.Маматов, доц.У.Якубов, доц.Г.Мелибоева, доц.И.Очилов ва бошқалар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори, Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазириинг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг ва 2016 йил 1 мартдаги “Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқиладиган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида”ги 89-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ:

Проф.Б.А.Бегалов – Тошкент молия институти ректори

Ўзбекистон Республикасининг таракқиёти ва истикболини таъминлаш мақсадида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам улкан ислохотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, таълим йўналишлари (мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан унификацияланмоқда. Шундан келиб чиқиб Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт унверситети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Қарни муҳандислик иқтисодиёт институти, Қорақалпоқ давлат унверситети, Солик академияси, Тошкент темир йўл муҳандислик институти, Тошкент давлат аграр унверситети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида махсус ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Уларга турдош олий таълим муассасаларидан, вазирлик ва идоралар кадрлар исътемомчилари сифатида тақризлар олинди.

Сизлардан ушбу тайёрланган бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларинингизни билдиришларингизни сўрайман.

